

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ФАН ДОКТОРИ ИЛМІЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
DSc 27.06.2017.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМІЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

ШЕРОВ АНВАР ГУЛАМОВИЧ

**СУҒОРМА ДЕХҚОНЧИЛИКДА ЕРЛАРНИНГ МЕЛИОРАТИВ
ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШ ВА СУВДАН ТЕЖАМЛИ ФОЙДАЛАНИШ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

06.01.02 – Мелиорация ва суғорма деҳқончилик

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

Докторлик (Doctor of Science) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (Doctor of Science) диссертации

Contents of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Шеров Анвар Гуламович

Суғорма дехқончиликда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сувдан тежамли фойдаланиш технологияларини ишлаб чиқиш 3

Шеров Анвар Гуламович

Разработка технологий по эффективному использованию воды и улучшению мелиоративного состояния земель в орошаемом земледелии..... 31

Sherov AnvarGulamovich

Development of technologies for the effective use of water and improvement of land reclamation in irrigated agriculture 59

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 63

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ФАН ДОКТОРИ ИЛМІЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
DSc 27.06.2017.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМІЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

ШЕРОВ АНВАР ГУЛАМОВИЧ

**СУҒОРМА ДЕХҚОНЧИЛИКДА ЕРЛАРНИНГ МЕЛИОРАТИВ
ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШ ВА СУВДАН ТЕЖАМЛИ ФОЙДАЛАНИШ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

06.01.02 – Мелиорация ва суғорма деҳқончилик

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

Техника фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.DSc/T68 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме) веб-саҳифада (www.tiim.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net/uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Бараев Фридул Аҳмедович

техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Курбанбаев Ёрежон Курбанбаевич
техника фанлари доктори, профессор

Рахимов Шавкат Хударгенович
техника фанлари доктори, профессор

Мирзажонов Қирғизбой
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори,
профессор, академик

Етакчи ташкилот:

Гидрометеорология илмий текшириш институти

Диссертация ҳимояси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017 Т.10.02 рақамли илмий кенгашнинг «01» декабр 2017 йил соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100000, Тошкент ш., Қори Ниёзий кўчаси, 39, тел. (+99871)-237-22-67, 237-22-09, факс: 237-54-79, e-mail: tiim_info@edu.uz.)

Докторлик диссертацияси билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (01 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил 100000, Тошкент ш., Қори Ниёзий, 39, Тел.: (+99871) 237-22-67.

Диссертация автореферати 2017 йил «15» ноябр да тарқатилди.
(2017 йил 15 ноябрдаги Д.С.Т. рақамли реестр баённомаси).



Т.З.Султонов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д.

А.А.Янгиев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д.

А.Т.Салоҳиддинов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш ҳузуридаги илмий
семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда риладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан тежамли фойдаланиш техника ва технологияларини яратиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Шу жиҳатдан, ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, тупроқнинг унумдорлигини сақлаш ва ошириш ишлари алоҳида аҳамиятга эга. Бу борада ривожланган мамлакатларда, жумладан, АҚШ, Германия, Голландия, Россия ва бошқа давлатларда сувдан тежамкорона фойдаланиш технологияларини ишлаб чиқиш, сув тақсимлашнинг аниқ ҳисобини олиб бориш ва экин экиладиган майдонларнинг таркибини ўзгартириб ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилган.

Республикамиз мустақилликка эришгач қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, фермер хўжаликларининг суғориладиган майдонларига сувни етказиб беришда каналлар ва коллектор-зовурларнинг ишлаш самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шулар билан бир қаторда ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланишда замонавий ресурстежамкор суғориш техника ва технологияларини такомиллаштиришни талаб этилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «..... миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш учун энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга ресурстежамкор технологияларни кенг жорий этиш»¹ алоҳида таъкидлаб ўтилган. Бу борада экинларнинг ресурстежамкор суғориш усуллари ва сувдан фойдаланиш режасини ишлаб чиқиш ва қўллаш асосида ерларнинг унумдорлигини ошириш бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда ер-сув ресурсларидан тежамли фойдаланиш ва тупроқнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга бағишланган мақсадли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, суғориладиган майдонларда кенг миқёсда эрозияга қарши мақсадли йўналтирилган илмий-тадқиқотларни амалга ошириш, ер-сув ресурсларини муҳофаза этиш техника ва технологияларини яратиш, экин экиладиган майдонларнинг таркибига тупроқни химояловчи экинларни киритиш йўли билан амалиётга тадбиқ этилиши соҳадаги муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 29 октябрдаги ПФ-3932-сон «2008-2012 йиллар даврида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2010 йил 15 декабрдаги ПҚ-916-сон «Инновационлоийҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга жорий

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

қилишни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори,

2013 йил 19 апрелдаги ПҚ-1958-сон «2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар тараққиётининг V.«Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи². Ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, ирригация ва мелиорация тизимларининг ишлашини замонавий технологияларни қўллаш асосида такомиллаштириш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини экин экиладиган майдонларнинг таркибига тупроқни ҳимояловчи экинларни киритиш билан яхшилашга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Iowa State University (АҚШ), University of Bonn (Германия), Wageningen University (Голландия), Минск мелиорация институти, Белоруссия давлат қишлоқ хўжалиги академияси (Белоруссия), Москва давлат табиатни муҳофаза қилиш университети, Россия қишлоқ хўжалиги давлат университети, Татаристон қишлоқ хўжалиги илмий-тадқиқот институти, А.Н.Костяков номидаги Россия мелиорация ва гидротехника илмий-тадқиқот институти (Россия), Сув ресурсларини бошқариш халқаро институти (IWMI), Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ва Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институтларида (Ўзбекистон) кенг қамровли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан тежамли фойдаланиш технологияларига оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги илмий натижалар олинган: экинларни алмашлаб экиш тизимини яратиш ва тупроқнинг табиий хоссаларини яхшилаш технологияларини ишлаб чиқиш асосида ғўза ҳосилдорлигини 32-40% га оширишга эришилган (Lumi Alva Dj, АҚШ, Техас штати); беда экинларини 2-3 йил етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш ва қўллаш натижасида тупроқ таркибидаги гумус миқдорининг 1,5% га ошиши, тупроқни биологик азот билан бойитиши ва унинг физикавий хусусиятларини яхшилашига эришилган (S.Chanda, Ҳиндистон, G.Vasilyeva, Болгария); озиқаси кам тупроқларда бедани етиштириш

²Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи <https://www.uni-bonn.de>. University of Bonn; <http://www.wur.nl/en/wageningen-university.htm>. Wageningen University; www.iwmi.cgiar.org. IWMI; <https://www.iastate.edu> - Iowa State University; <https://www.cambridge.org/core/journals/journal-of-agricultural-science>. The USA ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

технологиясини қўллаш асосида гумус миқдорини 1,6% га оширган (D.D.Chandiyani, P.Prem, Ҳиндистон); бедани ғалла экини билан биргаликда етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш ва қўллашда ғалла экини ҳосилдорлиги 30% га ошган (Ф.Хабибуллин, Россия қишлоқ хўжалиги академияси, Татаристон қишлоқ хўжалиги илмий-тадқиқот институти).

Дунёда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сувдан тежамли фойдаланиш технологияларини яратиш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланишнинг илмий асосларини такомиллаштириш; ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш услубиятини ишлаб чиқиш; ресурстежамкор сувдан фойдаланиш режаларини ишлаб чиқиш; суғориш каналларининг ишлашини такомиллаштириш; сув ўлчаш ускуналарининг конструкцияларини ишлаб чиқиш ва параметрларини асослаш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сувдан тежамли фойдаланиш муаммолари бўйича бир қатор олимлар илмий изланишлар олиб боришган, жумладан, экинларнинг суғориш тартиби ва суғориш усулларини ишлаб чиқиш ва қўллашда А.Н.Костяков, Б.А.Шумаков, Г.Ю.Шейнкин, И.А.Шаров, Н.А.Максимов, Х.Л.Пенман, Н.Т.Лактаев, А.Н.Ляпин, В.В.Сурин, В.В.Колпаков, Б.Ф.Қамбаров, А.А.Рачинский ва сувдан фойдаланиш режасини ишлаб чиқишда Н.А.Янишевский, М.Ф.Натальчук, Х.А.Ахмедов, Б.С.Серикбаев, Ф.А.Бараев, М.Х.Ҳамидов ва бошқалар бу соҳада турли йилларда ўз тадқиқотлари асосида ижобий натижаларга эришган.

Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тупроқнинг шўрланиш даражасини аниқлаш бўйича С.Ф.Аверьянов, С.Н.Рыжов, И.А.Герарди, И.И.Плюснин, Е.С.Марков, А.И.Голованов, Л.П.Розов, В.В.Волобуев, В.М.Легостаев, В.А.Духовный, Х.Э.Якубов, Ф.М.Рахимбоев, О.Р.Рамазонов, Р.К.Икромов, М.А.Якубов, А.У.Усмановлар ва сизот сувларининг экин ҳосилдорлигига таъсирини аниқлашда И.А.Енгулатов, Д.М.Кац, А.В.Лебедев, Н.И.Парфенова, П.С.Панин, Қ.Мирзажонов, Н.Н.Ходжибоев, В.Г.Самойленко ва экинларни алмашлаб экиш тизимини ишлаб чиқиш ва қўллашда Lumi Alva Dj, S.Chanda, G.Vasilyeva, D.D.Chandiyani, P.Prem, Ф.Хабибуллин, З.Турсунхўжаев, М.Муҳаммеджанов, Б.Халиков ва бошқалар тадқиқотларда муҳим натижаларга эришилган ҳамда сув сарфларини ўлчаш ускуналарини технологик схемаларини ҳисоблашда В.Я.Бочкарев, М.Ф.Бутырин, И.Б.Ҳамадов, П.П.Кремлевский, Р.Р.Масумовларнинг илмий ишланмалари жорий этилган.

Бугунги кунда Сирдарё вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси тупроқларининг жадал қайта шўрланишининг асосий сабаби - бу ҳудудларни ўзлаштириш лойиҳасидаги камчиликлар, мураккаб табиий шароитларни яхши ҳисобга олинмаганлиги, зовур тизимининг яроқсизлиги ҳамда шўр ювиш ишларининг қоникарсиз даражада олиб борилишидир. Шу сабабли, ушбу йўналишда юқорида келтирилган кўпгина тадқиқотларда тупроқнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун фермер хўжаликларида сувни аниқ ҳисобга олиш, зовурларни тозалаш ва таъмирлаш ишларини тўғри

ташкиллаштириш, катта маблағ талаб қилинадиган усулларнинг ўрнига кам маблағ талаб қиладиган технологик, агробиомелиоратив усулларни ишлаб чиқиш муаммолари етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг П11.1.27. «Ўзбекистон ерларини эколого-мелиоратив ҳолатини тиклаш ва унумдорлигини оширишда биосуъний зовурларни қўллаш» (2003-2005), №6-S Section-416 (b) дастури «Ноаънанавий ва қўшимча харажат қилинмайдиган технологиялар асосида ерларнинг унумдорлигини ошириш ва сувдан тежамли фойдаланиш» (2006-2007), ҚХА-15-042-1 «Сув сарфи ва хажмини ўлчовчи маҳаллий тажриба вариантдаги ускунанинг параметрларини асослаш»(2009-2011), ҚХИ-2-37 «Қорақалпоғистон Республикаси шароитида қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда тупроқ ҳимояловчи ресурстежамкор технологияларни қўллаш»(2011-2012) мавзусидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини агробиомелиоратив усулларни қўллаш асосида яхшилаш ва сувдан тежамли фойдаланишда экинларни суғоришнинг замонавий ресурстежамкор техника ва технологияларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

биозовур тизимларини қўллаш асосида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашнинг самарали технологиясини ишлаб чиқиш;

сув танқислиги шароитида экинларни суғоришнинг ресурстежамкор техника ва технологияларини ишлаб чиқиш;

каналларининг сув оқими ҳаракатини фильтрация жараёнининг математик моделини яратиш ва ҳисоблаш услубиятини ишлаб чиқиш;

каналларда сувни ҳисобга олишнинг техник воситаларини ишлаб чиқиш;

сув танқислиги шароитида Сув истеъмолчилари уюшмалари ва фермер хўжаликларига сувни етказиб бериш услубини такомиллаштириш.

Тадқиқот объекти сифатида Сирдарё вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси суғориладиган майдонлари, Жанубий Мирзачўл магистрал канали ва Шўрузак ҳамда РК-7 хўжаликлараро каналлари олинган.

Тадқиқот предмети ресурстежамкор суғориш техникаси ва технологиялари, каналларининг сув оқими ҳаракатини фильтрация жараёнининг математик модели ҳамда сув ўлчаш ускунасининг техник воситалари ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида дала тажриба майдонини танлаш усули, эгатлаб ва йўлаклаб суғориш усуллари, сув-туз баланси, каналларнинг фойдали иш коэффициентини аниқлаш усули, тизимли таҳлил, математик моделлаштириш, статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

кузги буғдой билан беда экинларини биргаликда етиштиришнинг суғориш техникаси ва технологияси яратилган;

сув танқислиги шароитида ғўза экини эгатлаб суғоришнинг ресурстежамкор техника ва технологияси ишлаб чиқилган;

суғориш каналларидаги фойдали иш коэффициентини аниқлашда нисбий сув йўқолиши формуласидаги $\sigma = \frac{A}{Q^m}$, % 1 км да, «А» ва «m»

коэффициентлари каналларнинг мавжуд тупроқ-иқлим шароитини ҳисоблаш натижасида асосланган;

хўжалик ички каналларида сув сарфи ва ҳажмини ўлчайдиган ультратовушли маҳаллий сув ўлчаш ускунаси яратилган;

сув танқислиги шароитида Сув истемолчилари уюшмаси ва фермер хўжаликларида сувни етказиб беришнинг мавжуд меъёри услуги такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

суғориладиган ерларда шўрланишга мойил тупроқларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва қайта тиклаш бўйича кузги буғдой ва бедани биргаликда экиш тизимининг ресурстежамкор суғориш техникаси ва технологиялари, ер ва сув маҳсулдорлигини ошириш усули ишлаб чиқилган;

ғўза экини ҳосилдорлигини оширувчи ва сув ресурсларини тежовчи эгатлаб суғоришнинг ресурстежамкор техника ва технологияси ишлаб чиқилган;

суғориш каналлари ишлашини яхшилаш ва сувдан тежамкорона фойдаланиш мақсадида фойдали иш коэффициенти тезкор аниқлаштириш дастури яратилган;

канал ўзанларида босимсиз секин ўзгарувчан беқарор ҳаракатланаётган сув оқими ҳаракатини ифодаладиган, каналнинг эксплуатация режимлари ўзгарганда оқимни бошқариш вариантларини ҳисоблаш имкониятини берадиган математик модел ва ҳисоблаш дастури ишлаб чиқилган;

хўжалик ички каналларида сув сарфи ва ҳажмини ультратовуш асосида аниқ ўлчаш ва ҳисоблашни таъминлайдиган маҳаллий сув ўлчаш ускунаси яратилган;

Сув истемолчилари уюшмалари ва фермер хўжаликларида сув ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлайдиган, сувни етказиб беришнинг мавжуд меъёри услуги такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги назарий ва тажрибавий тадқиқотлар натижаларининг мутаносиблиги, тавсия этилаётган суғоришнинг ресурстежамкор техника ва технологиялари, каналларнинг фойдали иш коэффициенти яратилган сув ўлчаш ускунасининг лаборатория ва ишлаб чиқариш синовларидан олинган ижобий натижалар ушбу йўналишдаги бошқа тадқиқотлар натижалари билан солиштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти суғориладиган ҳудудларда ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланиш услубини яратиш, ерларнинг

мелиоратив ҳолатини агробiomелиоратив усулларни қўллаш асосида яхшилаш, суғориш каналлари ишлашини такомиллаштириш ва сувдан тежамкорона фойдаланиш усуллари яратиш, каналларнинг фойдали иш коэффицентини аниқлашда мавжуд тупроқ-иқлим шароитини ҳисоблаш асосида кўрсаткичларини асослаш, сув ўлчаш ускунасининг техник ва технологик параметрларини асослаш ва сувни етказиб беришни ҳисоблаш формуласи такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти экинларни биргаликда етиштиришнинг суғориш техникаси ва технологияси қўлланилиши натижасида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшиланиши ва унумдорлиги ошиши, сув сарфини тежашга эришилиши, каналларнинг ишлаш самарадорлигини ошиши ва уларнинг хавфсиз ишлаши таъминланиши ва яратилган сув ўлчаш ускунаси билан сувдан тежамкорона фойдаланишга эришилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сувдан тежамли фойдаланиш технологияларини ишлаб чиқиш асосида:

ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, унумдорлигини ошириш ва сувдан тежамли фойдаланишда кузги буғдойни беда экини билан биргаликда етиштиришнинг суғориш техникаси ва технологияларини яратиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган («Тупроқ унумдорлигини ошириш усули» №IAP 04245-2008йил). Натижада ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, унумдорлигини ошириш ва сувдан тежамли фойдаланишга эришиш имконияти яратилган;

ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва унумдорлигини ошириш мақсадида кузги буғдой билан беда экинини биргаликда етиштиришнинг технологиясини яратиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган («Ғалла экинларини етиштириш усули» №IAP04825-2011йил). Натижада суғориладиган майдонларнинг шўрланиш даражаси ва сизот сувлари минерализацияси даражасининг камайиш имкони яратилган;

ғўза экинини кенг эгатлар бўйича вегетацион суғоришнинг ресурстежамкор техника ва технологияларини яратиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган («Ғўза етиштириш усули» №IAP 04466-2008йил). Натижада ғўза экини ҳосилдорлигини оширувчи ва сув ресурсларини тежовчи эгатлаб суғоришнинг ресурстежамкор техника ва технологияси яратилган;

ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва суғоришнинг ресурстежамкор техникаси ва технологиялари Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфига қирувчи Сирдарё вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси фермер хўжаликларининг суғориш майдонлари ва каналларига жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2016 йил 19 майдаги 04/32-516-сон маълумотномаси). Илмий-тадқиқот натижаларининг жорий этилиши фермер хўжаликларида ерларнинг шўрланиш даражасини 16,7 % га

камайиши ва сувдан фойдаланиш самарадорлигини 5-7 % га ошишини таъминлади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 10 та халқаро ва 26 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 64 та илмий ишлар chop этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фан доктори (DSc) диссертациялари асосий илмий натижаларини chop этишга тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, жумладан, 4 таси хорижий журналларда нашр этилган ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 3 та ихтиро патенти ва 3 та ЭҲМ дастури учун гувоҳномаси олинган.

Тадқиқот ҳажми ва тузилиши: Диссертация кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 198 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг Ўзбекистон ва жаҳонда зарурлиги ва долзарблиги асосланган, ишнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари шакллантирилиб, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари очиб берилган. Олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Суғориладиган ерлар мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сувдан тежамли фойдаланишга оид назарий ва амалий тадқиқот ишлари**» деб номланган биринчи бобида сув ва ер заҳираларидан тежамли фойдаланиш мақсадида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича соҳа олимларининг олиб борган илмий ишлари натижалари ҳамда суғориладиган майдонларда тупроқ-мелиоратив жараёнларни баҳолашнинг назарий асослари ва каналларда сув сарфини ўлчаш бўйича назарий тадқиқотлар келтирилган. АҚШ, Германия, Голландия, Болгария, Ҳиндистон, Россия ва бошқа давлатларда кенг миқёсдаги эрозияга қарши чора-тадбирларни кўриш, ер ресурсларини муҳофаза этиш бўйича экин экиладиган майдонларнинг таркибига тупроқни ҳимояловчи экинларни киритиш йўли билан амалга оширилган. АҚШ нинг Конха худудида ўтказилган тажрибалар, жумладан беда экинини 2-3 йил давомида кучсиз тупроқда етиштирилиши натижасида тупроқда гумус миқдори ошиб, тупроқнинг таркиби яхшиланган. Алистер (АҚШ) ғўза етиштириладиган майдонларда экинларни алмашлаб экиш натижасида ҳосилдорликни ошириши ва тупроқнинг табиий хоссаларини яхшиланиши исботланган. Lumi Alva Dj (АҚШ, Техас штати) шуни таъкидлайдики, Эль-Паса водийси шароитида ғўза-беда алмашлаб экишда ғўзани ўтли ва донли

экинлар билан алмашлаб экилиши пахтанинг ҳосилдорлигини ошириши таъминланган. Хорижий олимларнинг тажрибалари шуни кўрсатадики, беда экини тупроқ таркибида гумус миқдорини оширади, тупроқни биологик азот билан бойитади ва унинг физикавий хусусиятларини, шу жумладан тупроқ таркибини яхшилади. S.Chanda (Хиндистон) ва G.Vasilyeva (Болгария) тажрибаларида беданинг экилиши озиқ элементлари кам тупроқларда гумус миқдорини кескин кўпайтирган. D.D.Chandiyani, P.Prem (Хиндистон) таъкидлашича қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини ошириш усулларида бири тупроққа мелиоратив таъсир кўрсатишдир, беда ва ғалла экини биргаликда етиштирилганда ғалла экини ҳосилдорлиги 3,6-7,1 ц/га ошган (Ф.Хабибуллин, Россия қишлоқ хўжалиги академияси, Татар қишлоқ хўжалиги илмий-тадқиқот институти).

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси аҳолиси 32,5 миллионданошди. Шу сабабли ўсиб бораётган аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида Ўзбекистонда 2008-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорлар қабул қилиниб амалга оширилмоқда ҳамда республикада дон,полиз экинлари ва боғдорчилик майдонларини кўпайтириш ишлари амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунда асосий муаммолардан бири суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашдан иборат. Ғўза ҳосилдорлиги тупроқ таркибидаги зарарли тузлар миқдorigа боғлиқдир. Хатто тупроқнинг кучсиз шўрланиши ҳам ғўза ҳосилининг сезиларли даражада камайишига олиб келади. Амалиётда шўрланган ерларни мелиорация қилишнинг жуда кўп усуллари мавжуд (А.Н.Костяков, В.А.Ковда, С.В.Аверьянов, И.И.Плюснин, А.И.Голованов, Л.П.Розов ва бошқалар). Бу усулларни қўллашда тупроқ ва шўрланиш тури, характери ва бошқа омилларни ҳисобга олиш лозим.

Шўрланган ерларда шўр ювиш учун сарфланадиган сув миқдорини тўғри ҳисоблаш муҳим аҳамиятга эга. А.Н.Костяков биринчи марта шўр ювиш меъёрини аниқлаш формуласини таклиф қилган. Кейинчалик Л.П.Розов, В.Р.Волобуев, В.М.Легостаев ва бошқа муаллифлар ўзларининг формулаларини таклиф қилганлар. Р.К.Икромов томонидан тупроқнинг сув-туз баланси масалаларида чуқур илмий асосланган ва аниқ тадқиқотлар олиб борилган. Сизот сувларининг рухсат этилган чуқурлигини баҳолашда «Сизот сувларнинг критик чуқурлиги» тушунчаси ишлатилган (В.А.Ковда, И.А.Енгулатов, Д.М.Кац,Қ.Мирзажонов, Ф.М.Рахимбоев). Аммо сизот сувлар чуқурлиги мелиоратив талабларни белгилашга тўлиқ мос келмайди, шунинг учун оптимал сув-туз тартибини асослаш учун суғориш ва шўр ювиш тартиблари, сизот сувлар чуқурлиги, зовур параметрлари ва бошқаларни комплекс ҳолда ўрганиш лозим. Ҳозирги кунга келиб қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигининг тупроқ эритмаси концентрацияси, тупроқнинг шўрланиш даражаси ва тури билан экспериментал боғлиқликлари аниқланган (И.П.Айдаров, И.А.Рабочев, В.А.Духовный, О.Р.Рамазонов, Х.Э.Якубов ва б.).

Суғориладиган ерлар учун аэрация, сизот сувлар ва умумий сув зоналари учун сув балансини тузиш тавсия қилинган. С.Ф.Аверьяновнинг баланс тузилмаси ва тенгламаси кенг қўлланилади:

Суғориш массивининг умумий сув баланси:

$$\Delta W = B + \overline{II} + \underline{II} + O_c - C - ET - \underline{Q} - D \quad (1)$$

Шу билан бир каторда суғориладиган майдонларда мелиоратив ҳолатнинг мавсумий ва йиллик ўзгаришларидаги миқдорий кўрсаткичларини баҳолашда тупроқнинг аэрация қатламидаги сув ва тузлар эритмаси билан сизот сувлари орасидаги сув-туз алмашинуви миқдори ($\pm g$) муҳим аҳамиятга эга. Бу кўрсаткич суғоришга берилган сув меъёрининг ерга инфильтрацияга сингадиган миқдори бўлиб, у билан бирга эриган тузлар миқдори ҳам пастки қатламдаги сизот сувлари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ўзгариб туради. Буларни миқдорий ўзгаришини ҳисоблаш усуллари С.Ф.Аверьянов, В.А.Ковда, Х.А.Ахмедов, Ф.М.Рахимбаев, Н.М.Решеткина, Х.Э.Якубов, Р.К.Икрамов, М.А.Якубов ва бошқаларнинг ишларида батафсил ёритиб берилган.

Уларга асосан аэрация зонасининг сув баланси:

$$\Delta W a = O_c + O_p + (1 - \alpha) \phi_k - ET - \bar{C} \pm g \quad (2)$$

Сизот сувлар баланси:

$$\Delta W_{\Gamma} = \underline{II} - \underline{Q} + \alpha \phi_k - D \pm g \quad (3)$$

Аэрация зонасида нам заҳирасининг ўзгариши (С.Ф.Аверьянов),

$$\Delta W a = h_k \omega_k - h_n \omega_n \quad (4)$$

Марказий Осиёнинг ҳозирги кундаги шароитларида, Р.К.Икрамов, М.А.Якубов, Н.И.Парфенова ва бошқалар юқоридаги тенгламани мукаммаллаштиришга қаратган таклифлари асосида умумий сув-туз балансларини қуйидагича келтириш мумкин:

$$\Delta W = W_H - W_K = O_c + B + \Phi_{MK} + B_{KDC} + B_{B/D} + \underline{II} - \underline{Q} - ET_B - O_{II} - C - D_{\Gamma} - D_{B \pm} P W \quad (5)$$

$$\Delta C = C_B + C_{\Phi_{MK}} + C_{\underline{II}} - C_{B \text{ в } \partial} - C_{\underline{Q}} - C_{Cn} - C_{C \text{ э}} - C_{D_2} - C_{D \text{ в } \pm} \pm C_P \quad (6)$$

Вегетация давридаги ғўзанинг эвопотранспирациясини Х.А.Амановнинг эмпирик боғланиши бўйича ҳисобланади.

$$ET_x = 1,64 \beta \sqrt{\frac{\sum t^{\circ} Y}{h}} \quad (7)$$

Юза қатламдаги сизот сувлари минерализациясини башорат қилиш учун сизот сувлари баланси, аэрация минтақасининг сув ва туз баланслари, сизот сувлари юза қатламининг туз балансини тузиш зарур: Сизот сувлари баланси:

$$\Delta W_{\Gamma} = \Delta h_{\delta} 10^4 = \Phi_{MK} + \Phi_{MX} + \alpha \Phi_{BX} \pm g + \underline{II} - \underline{Q} \pm P - D_{\Gamma} - D_B \quad (8)$$

Юқорида келтирилган ёндашувлардан ташқари, мелиоратив ҳолат кўрсаткичларнинг ўзгарувчанлигини ҳисоблашда физик-кимийёвий гидродинамиканинг назарий асосларидан фойдаланувчи бир қатор дифференциал тенгламаларни ечиш ёрдамида ҳисоблаш усуллари ҳам

мавжуд. Буларга А.И.Голованов, И.П.Айдаров Л.М.Рекс ва бошқаларнинг математик моделлари киради.

Ер-сув ресурсларидан унумли фойдаланишда, Сирдарё вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасининг тупроқ-иқлим шароитларини, рельефни ва бошқа ўзига хос хусусиятларни эътиборга олиб қишлоқ хўжалиги экинларидан барқарор ҳосил олиш гарови, тўғри алмашлаб экишни узлуксиз қўллаш билан боғлиқ. Сирдарё вилояти суғориладиган майдонларида алмашлаб экишни ишлаб чиқишда академиклар М.В.Мухамеджанов, З.С.Турсунхўжаев ва бошқаларнинг хизматлари каттадир. Тупроқ-иқлим шароитлари Жанубий Мирзачўл магистрал канали (ЖММК) минтақаси шароитларига яқин бўлган Марказий илмий-тажриба станциясига қарашли (МИТС) Пахтаорол тажриба станциясида алмашлаб экиш бўйича олиб борилган кўп йиллик тадқиқотлар асосида Мирзачўл шароитида алмашлаб экиш юқори натижалар беришини ҳамда тупроқда тузларнинг йиғилишини пасайтиришнинг энг мақбул йўли - алмашлаб экишда кўп йиллик ўтларнинг уч йил туриши ва ғўзанинг 66%дан ошмаслигини тақлиф этдилар. Пахта селекцияси, учуғчилиги ва агротехнологиялари илмий тадқиқот институти (ПСУЕАИТИ)нинг Оққовоқ тажриба станцияси маълумотлари бўйича алмашлаб экишда 1-2 ва 3 йилбеда экиш натижасида ғўзанинг ҳосилдорлиги алмашлаб экмасликка нисбатан 10 ц/гага юқори бўлган.

Каналларда сув сарфини ўлчаш бўйича назарий тадқиқотлар бевосита фермер далаларида сувни ҳисобга олиш ишларини олиб бориш, яъни улар ёрдамида охириги сув истеъмолчи даражасида сув сарфини аниқ ўлчаш имконини баҳолашдан иборат бўлди. Тадқиқотлар учун манба сифатида Республика Давлат патент идорасининг захира материаллари ва интернетда ўтказилган патент қидируви таҳлил қилинди. 60дан ортиқ сув сарфи ва ҳажминини ўлчаш асбобларининг турли конструкциялари ўрганилди. Ҳозирги кунда жаҳонда сув сарфларини тезкор ўлчайдиган Днепр-7, ЭХО-Р-02, СТРИМ, DMDFB, EchoTREK, Prosonik Flow, Endress Hauzer ва бошқа ультратовушли сув ўлчагичлар мавжуд. Патент қидирув ишларини олиб бориш натижасида кичик каналларда сув сарфларини ўлчаш бўйича анча аниқ мосламани яратиш зарурияти пайдо бўлди. Бу эса юқорида қайд этилган мавзу бўйича ишларни олиб боришга асос бўлди. Белгиланган ўзан кўндаланг параболик, трапециодал, тўғри бурчакли, учбурчакли кесимда бўлиши мумкин. Юқорида келтирилган назарий ва экспериментал тадқиқотлар комплекс ўрганилган ва олинган хулосаларга асосланиб тадқиқот вазифалари белгиланган.

Диссертациянинг «**Тадқиқотлар ўтказиш шароитлари ва услублари**» деб номланганикинчи бобида Сирдарё вилоятининг табиий-хўжалик шароитлари ва ер-сув ресурсларидан фойдаланишнинг ҳолати, муаммолари ва уларнинг ечимлари таҳлиллари келтирилган. Суғориладиган майдонларда шўрланишнинг асосий сабабларидан бири коллектор-зовурларнинг яхши ишламаслиги, шўр ювиш ишларининг сифатсиз олиб борилиши ва шўр ювиш ишларини қисқариб кетганлиги ҳамда кузги буғдой экинини ўсиб турган ғўза қаторлар оралиғига 12-15 см чуқурликка

экилишидир. Бу ҳолат тупроқнинг кескин зичлашувига ва табиий хоссаларининг ёмонлашувига олиб келган. Хўжаликларда илмий асосланган экинларни алмашлаб экиш тизими қўлланилмаган, сўнгги йилларда факатгина ғўза (60-63%) – ғалла (30-33%) экинларининг навбат билан экиш тизими амалга оширилган. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилайдиган беда экинини экиш бор йўғи 2%ни ташкил этган. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасидаги изланишлар натижасида шундай хулосага келиндики, коллектор-зовурларнинг тўлиқ ҳажмда ишлаши унинг янги қурилганида ёки тозаланганида амалга ошади. Вақт ўтиши билан зовурларнинг ишлаши натижасида уларнинг иш қобилияти пасаяди, бунда зовурларни ва уларнинг филтрларинилойка босади. Хўжаликларда коллектор-зовурларни тозалаш, тиклаш ишлари катта маблағ талаб этадиган мураккаб ишдир. Ушбу коллектор-зовурлар иш фаолиятининг пасайиши даврида унинг ўрнини босиш мақсадида, қандай ёрдамчи вақтинчалик зовурни қабул қилиш керак деган саволга илмий изланишлар асосида биз томондан биологик зовурлар тизимини қўллаш асосида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш таклиф этилган.

Ушбу ҳудудда сув ресурсларидан тежамли фойдаланиш муаммоларини ечишда суғориш каналларининг ишлашини такомиллаштириш, уларнинг фойдали иш коэффициентларини ошириш, сувни аниқ ҳисобга олиш ускуналарини яратиш, суғоришнинг тежамкор техника ва технологияларини ишлаб чиқиш бўйича илмий асосланган тавсияларни тайёрлаш зарурияти аниқланди.

Диссертациянинг «**Суғориладиган ерлар мелиоратив ҳолатини яхшилашда биозовур тизимларини қўллаш ва уларнинг суғориш техника ва технологияларини яратиш**» деб номланган учинчи бобида Сирдарё вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси суғориладиган майдонларида биологик зовур тизимларини қўллаш, уларнинг суғориш техникаси ва технологияларини яратиш бўйича ўтказилган дала тажриба ишлари натижалари келтирилган. Шўрланишга мойил суғориладиган ерларда мавжуд коллектор-зовурларнинг иш қобилиятини пасайишини биозовурлар тизими ёрдамида кўтарилади. Биологик зовурлар тупроқнинг сув режимини ростлашда қанчалик ижобий рол ўйнаса, туз балансига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Улар томонидан катта миқдордаги сувнинг транспирация учун сарфланиши сизот сувлари сатҳини пасайтиради ва тузларни тупроқ фаол қатламига чиқишига тўсиқ бўлади. Ҳозирги кунда эскидан суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини тиклаш, яхшилаш бўйича олиб борилган олимларнинг ишларини таҳлил қилиб, ушбу муаммоларни ечиш мақсадида соҳадаги сўнгги ютуқлар ва илғор технологияларга асосланиб ишлаб чиқилган услублар асосида Сирдарё вилояти Сайхунобод тумани «Гулистон» ва Боёвут тумани «Ғалаба» Сув истеъмолчилари уюшмалари (СИУ)нинг ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Кегейли тумани «Айнур» фермер хўжаликлари тажриба майдонларида биологик зовурнинг самарадорлигини аниқлаш борасида илмий-тадқиқотлар олиб борилган. Тадқиқотлар Пахта селекцияси, учуғчилиги ва агротехнологиялари илмий тадқиқот

институту(ПСУЕАИТИ)нинг «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари», ТИҚХММИ, ИСМИТИ услублари бўйича олиб борилган. Гулистон СИУда биозовур тизимининг самарадорлигини аниқлаш бўйича қуйидаги тизимдатажрибалар қўйилган:


1-вариант – сунъий гидротехник зовур;

2-вариант – биозовур;

3-вариант – биосунъий гидротехник комбинациялашган зовур.


4-вариант – сунъий гидротехник зовурда бедани кузги буғдой билан бирга етиштириш.

Ўтказилган тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатдики, биологик зовур майдонида тупроқ фаол қатламининг шўрланиш даражаси январь ойидаги 1,50 % дан, февраль ойида 0,23 % ва март ойида 0,67 % га камайди. Ушбу жараён 5 февралдан 1 мартга қадар ўтказилган ерларнинг шўрини ювиш ишлари натижасидир. Ундан сўнг 1,6% гача кўпайди ва июль ойи бошида 1,42 %, сентябрда 1,53% ва ноябрда шўрланиш даражаси 1,57% га етди. Шўрланишнинг пасайишига тупроқ устки қатламининг беда билан қопланганлиги ва сизотсувининг транспирациясининг ортиб бориши таъсир кўрсатди. Гидротехник зовур вариантыда шўрланиш даражаси бошқача, январь ойида шўрланиш даражаси 1 - вариантга нисбатан 0,27% га кам бўлган. Мавсум давомида биозовур тизими кўрсаткичларига нисбатан 10-12 % самаралироқ бўлди. Агарда, сунъий зовур ва биологик зовурнинг қурилишига ва ишлатишига кетган сарф харажатлар ҳисобланса, биологик зовур тизимининг самараси юқоридир. 1 метр гидротехник зовурни қурилишига 10-12 минг сўм сарфланса, биологик зовурга 500-600 сўм сарфланади, фарқи ўртача 20 баробарга тенг. Биологик зовур ва комбинациялашган биологик ва гидротехник зовур тизими вариантларида фарқ сезиларли даражада. Биологик ва гидротехник зовурнинг биргаликдаги таъсирида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини қисман яхшилашга эришилди. Бироқ, беда экини йўлаклари (оралиғи 50 метр), сунъий зовурларсиз сизот сувларининг сатҳини ва тупроқнинг шўрланиш даражасини маълум даражада ушлаб тура олмади. Беда экини йўлаклари орасидаги масофани қисқартирса бўлади, лекин бу асосий экин майдони ва ҳосилдорлигига зарар келтиради. Биологик зовур тизимининг самарадорлигини янада ошириш учун беда экинини кузги буғдой экини билан биргаликда етиштириш, беда экинининг ролини янада оширди. Беда экинини йўлаklar бўйича эмас, даланинг барча қисмига экилди. Беда экини кузги буғдой экини билан биргаликда етиштиришда ерларнинг мелиоратив ҳолати (сизот суви минерализацияси ва тупроқнинг шўрланиш даражаси) бедани йўлаklar бўйича етиштиришга нисбатан сезиларли даражада яхшиланди.



1-расм. Тажриба майдонидаги сизот сувларининг минерализацияси кўрсаткичлари

Қуйидаги 1- ва 2-расмдан кўриниб турибдики, беда экини кузги буғдой экини билан биргаликда етиштирилганда ерларнинг мелиоратив ҳолати (сизот суви минерализацияси ва тупроқнинг шўрланиш даражаси) бошқа вариантларга нисбатан сезиларли даражада яхшиланган. Сизот сувлари минерализацияси даражасини 1-назорат варианты билан солиштирилганда қуйидагича бўлди: 2-вариант-биозовурда назорат вариантыга нисбатан ўртача 0,90 г/л ошган; 3-вариант-биосунъий гидротехник комбинациялашган зовурда назоратга нисбатан ўртача 1,13 г/л камайган. 4-вариант-сунъий гидротехник зовурда бедани кузги буғдой билан биргаликда етиштиришда назоратга нисбатан ўртача 1,67 г/л камайган.



2-расм. Барча вариантлар бўйича тупроқнинг фаол қатламидаги шўрланиш даражаси кўрсаткичи

Беда экини кузги буғдой экини билан биргаликда етиштиришда, асосий экинлар ғўза ва буғдой майдонларини қисқартирмасдан, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилайти, унумдорлигини оширади ва унинг қиймат нархини камайтиради. Беда экини ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаши ва унинг юзасини тўлиқ ёпиши ҳамда унинг илдизлари тупроқ физик хоссаларни яхшилаши - бу қимматли ва юқори сифат кўрсаткичдир. Беда экини йил давомида тупроқнинг устки қатламини ёпиб туриши билан буғланиш ва тузларнинг юқори қатламга чиқиши жараёнини тўхтатади. Беда экини суғоришда фаол қатламдаги тузлар эриб, тупроқнинг пастки қатламига ювилиб кетади ва унинг натижасида ушбу ерларда шўр ювиш ишларини ўтказмасдан, ғўза экини экиш мумкин. Оддий буғдой экини етиштиришга нисбатан уни беда экини билан биргаликда етиштирганда сизот сувларининг пасайиши юқори даражада бўлади. Шундай қилиб, бизнинг тажрибалар кўрсатишича беда экини биологик зовур вазифасини бажариб, ерларнинг унумдорлигини оширган ҳамда унинг физик хусусиятини яхшилаган. Ушбу тажриба майдонларида туз баланси ҳам аниқланди. Туз баланси (Д.М.Кац) асосида майдонларнинг коллектор-зовурларни биозовур тизими билан биргаликда ҳамда биозовур тизимсиз туз режимининг ўзгариши аниқланган:

Фермер даласида биозовурсиз коллектор-зовурларининг туз баланси


$$\pm S_1 - S_2 = S_{\text{суғ.сув}} + S_{\text{мин.ўғит}} + S_{\text{шамол}} + S_{\text{ёғин}} - S_{\text{хосил}} \pm S_{\text{ер.оституз.алм}} - S_{\text{кэт}}, \quad (9)$$

Биозовур тизими ва коллектор-зовурларнинг туз баланси

$$\pm S_1 - S_2 = S_{\text{суғ.сув}} + S_{\text{мин.ўғит}} + S_{\text{шамол}} + S_{\text{ёғин}} - S_{\text{хосил}} - S_{\text{биозовур}} \pm S_{\text{ер.оституз.алм}} - S_{\text{кэт}} \quad (10)$$

$$S_{\text{биоз}} = \frac{\pm S_1 - S_2}{S_{\text{суғ.сув}} + S_{\text{мин.ўғит}} + S_{\text{шамол}} + S_{\text{ёғин}} - S_{\text{хосил}} - S_{\text{биозовур}} \pm S_{\text{ер.оституз.алм}} - S_{\text{кэт}}}, \quad \%, \quad (11)$$

Вилоятда асосий суғориш усули бўлган эгатлаб суғоришнинг тежамкор суғориш техника ва технологияларини яратиш мақсадида Сирдарё вилояти, Сайхунобод тумани, Гулистон СИУ, «Қушоқ» фермер хўжалигининг мавжуд табиий-хўжалик шароитлари асосида дала тажриба ишлари ўтказилган.



3-расм. Инфильтрация ва филтрация жараёни.

Илмий тадқиқот ишлари А.Н.Костяков, Н.Т.Лактаев, И.Г.Алиев ва А.Н.Ляпинларнинг услублари бўйича олиб борилди ва А.Н.Костяковнинг тенгламаси асос қилиб олинди:

$$x = \frac{q \cdot t^\alpha}{p \cdot n \cdot k_0}, \text{ мват}_x = \left(\frac{p \cdot n \cdot k_0 \cdot x}{q} \right)^\alpha, \text{ соат} \quad (12)$$

бунда x -куруқ эгатда сувни етиб бориш узунлиги, м;

t_x - сувнинг етиб бориш вақти, соат;

q - эгатга берилган сув сарфи, л/с;

n - эгатда сувнинг йиғилишини ҳисоблаш коэффициентини, $n=0,5 \div 1,0$

(А.Н.Костяков тавсиясига кўра капитал текисланган ерларда $n=1$, мураккаб микрорельеф шароитида $n=0,5 \div 0,6$, жорий текисланган ерларда $n=0,6 \div 0,7$),

k_0 - вақт бирлигида сувнинг ўртача сингиш тезлиги, м/соат

p - эгатнинг хўлланган периметри, м.

Дала тажрибалари натижасида суғоришлар 150, 200, 250 м эгат узунликларида ва 0,6; 0,8; 1,0; 1,2 л/с сарфларда олиб борилиб, белгиланган етиб бориш вақти аниқланган. Эгат оралиғи 0,9 м бўлганда эгат чуқурлиги 18-22 см ни ташкил этди. Суғоришлар доимий ва ўзгарувчан оқимларда сув бериш асосида олиб борилган.

Суғориш техникасининг элементлари кўп марта ўлчовлар натижасида ҳисобланди. Оралиғи 0,9 метр бўлган эгатларнинг кўндаланг қирқими шакли парабола $B^2=h$ тенгламаси билан ёзилади. Трапеция шаклида $\omega = b + 2h\nu\sqrt{1+f^2}$, м ҳисобланди. Сувнинг сингиш тезлиги бошланғич дақиқада 0,08 дан 0,13 м/соат ва бир хиллик сингиш тезлиги 0,013-0,017 м/соат бўлди.

α коэффициентининг қиймати мавжудуслуб бўйича аниқланди.

$$\alpha_{\text{сингиш}} = \frac{\lg k_t - \lg k_0}{\lg t - \lg t_0}, \quad (13)$$

Бунда,

k_t —бошланғич вақт охирида сувнинг бир хиллик сингиш тезлиги. $K_t = K_0 \cdot t^\alpha$;

K_0 -филтрация коэффициенти,

ν -1,1-механик оғир тупроқдаги эгатларнинг ён томонлама захланиши. Тупроқларининг механик таркиби оғир қумоқ тупроқларда $\alpha=0,4 \div 0,5$ ни ташкил қилди.

Сувнинг ўртача сингиш тезлиги қийматларини аниқлаш учун И.Г.Алиевнинг тенгламаси олинди:

$$K_{yp} = \frac{K_{yp} \cdot t_1 + K_0 \cdot t_2}{t} \quad (14)$$

Бунда, t_1 —инфильтрацион сингиш вақти;

t_2 —филтрацион сингиш вақти.

Бир хиллик сингиш тезлигигача бўлган даврда оптимал суғориш эгати узунлиги $l = l_1 \cdot t^\alpha$. Ушбу тенгламани логарифмлаш асосида қуйидаги формулани оламиз:

$$\lg \alpha = \lg l_1 + \alpha \lg t \quad (15)$$

Сувнинг етиб бориши узунлиги:

$$l_1 = l \cdot \psi, \text{м} \quad (16)$$

Бунда, Ψ -пропорционаллик коэффиценти.

Эгатдаги сув баланси тенгламаси куйидагига тенг:

$$q \cdot t = l \cdot P_{yp} \cdot t_{yp} \cdot W \quad (17)$$

W - эгат охирида тўпланган сув ҳажми.

Бир текисда намланишни таъминлаш учун дискрет усулида ва эгат охирида призма шаклида керакли сув ҳажми берилди ва призма узунлиги 35-40 м ни ташкил этади. Бизнинг дала тажрибамизда бир текисда намланганлик даражаси илғор технологияларни тадбиқ қилиш асосида 0,92-0,95 ни ташкил этган.

$$L_{\text{тўл.нам}}^3 = \frac{m_0}{i}, \text{м.} \quad m_0 = \frac{m}{10000}, \text{м} \quad (18)$$

Эгатдаги суғориш вақтини Б.С.Серикбаев формуласи асосида аниқланди

$$t_{\text{суғ}}^3 = t_{\text{етиш}}^3 + \frac{L_3 \cdot a \cdot m}{60 \cdot q_3}, \text{соат} \quad (19)$$

$t_{\text{суғ}}^3$ - эгатда суғориш вақти, соат,

m -суғориш меъёри, м,

L_3 -эгат узунлиги, м,

a - эгатлар орасидаги масофа, м,

q_3 -сув сарфи, л/с.

Эгатларнинг узунлиги бўйича бир текисда намланганлик даражасини ўрганганимизда аниқландики, эгат бир текисда намланмаганлиги экин ҳосилдорлигига жиддий салбий таъсир кўрсатган. Сирдарё вилояти шароитида олиб борилган дала тажрибалари асосида эгатлабсуғориш техника элементлари ва технологиялари ишлаб чиқаришга тавсия этилган.

Ўтказилган тажриба вариантларидаги эгатлаб суғоришда энг самарали 2 - вариантда бўлди. Унда: 0,003 нишабликда 150 метр ёпиқ эгат узунлигида ва 0,9 метр оралигида 1,2-1,0 л/с ўзгарувчан сув сарфларини беришда бир текисда намланиш 0,95 га тенг бўлган ва натижада вегетацияда назоратга нисбатан 800 м³/га сув тежалган ва 7-8 ц/га пахта ҳосилдорлиги ошиши таъминланган.

Қорақалпоғистон Республикаси Кегейли туманида «Айнур» фермер хўжалиги 5 га тажриба майдонларида экинларни биргаликда етиштириш самарадорлигини аниқлаш бўйича дала тажрибалари ўтказилди. Барча вариантларда тупроқнинг сув-физик, кимёвий хоссалари, тупроқ намлиги ўзгариши, сувнинг шимилиш тезлиги ўрганиб борилди. Буғдойнинг ўсиши ва ривожланиши бўйича фенологик кузатишлар олиб борилган. Тажриба вариантлари бўйича суғориш муддатлари ва меъёрлари илдиз фаолияти қатламидаги тупроқнинг суғоришдан аввалги ва кейинги намлиги орқали белгиланган.

Мақбул суғориш режимини ишлаб чиқиш бўйича дала тажрибалари 4 вариантда ўтказилган:

1-вариант - чекланган дала нам сиғимининг (ЧДНС) 60% дан кам бўлмаган тупроқ намлигида суғориш;

2-вариант - тупроқнинг намлиги ЧДНС 65 % дан кам бўлмаганда;

3-вариант - тупроқнинг намлиги ЧДНС 70 % дан кам бўлмаганда;

4-вариант - тупроқнинг намлиги ЧДНС 75 % дан кам бўлмаганда.

Тўртинчи вариантда кам суғориш меъёрлари билан тез-тез суғориш талаб этилди. Буғдой экини ҳосили барча вариантларда учинчи вариантдан кам бўлган.

Суғорилаётган майдондаги туз баланси Д.М.Кац услуби бўйича аниқланди:

$$\Delta S = S_{\text{ё}} + S_{\text{суғ}} + S_{\text{ер.ости}} + S_{\text{имп}} + S_{\text{ўғ}} - S_{\text{ер.ости}} - S_{\text{др}} - S_{\text{хосил}}, \quad (20)$$

Бунда: ΔS -туз захираларининг ўзгариши;

$S_{\text{ё}}$, $S_{\text{суғ}}$, $S_{\text{ер}}$, $S_{\text{имп}}$, $S_{\text{ўғ}}$ - тузларнинг ҳаво ёғингарчилиги, суғориш суви, ер ости суви билан келиши, импульверизация йўли билан ва ўғитлар билан келиши;

$S_{\text{ер}}$, $S_{\text{др}}$, $S_{\text{хосил}}$ - тузларнинг ер ости сувлари, дренаж ва хосилдорлик билан чиқиши.

Суғориш меъёри А.Н.Костяков формуласи бўйича аниқланди:

$$m = 100 \cdot n \cdot d(\beta_{\text{экс}} - \beta_0), \text{ м}^3/\text{га} \quad (21)$$

Бунда: m -мавсумий суғориш меъёри, м³/га;

d - ҳисобий қатламдаги тупроқнинг зичлиги, т/м³;

$\beta_{\text{экс}}$ - тупроқнинг ҳисобий қатламидаги энг кам нам сиғими;

β_0 -суғоришдан аввал тупроқнинг ҳисобий қатламидаги намлиги.

Йўлақлар бўйича суғориш техникаси элементларини танлашда суғориш режими, суғориш меъёрлари, йўлакнинг эни, нишаблиги ва узунликлари аниқланган ҳамда қуйидагилар таъминланди: сувнинг етиб бориш меъёри билан суғориш; ўзгарувчан сув сарфлари билан суғориш; намланиш призмасини яратиш асосида суғориш. Суғориш йўлақларининг оралиғи 1,8; 3,6; 5,4; 7,2 метр қабул қилинган.

Сув бериш тўхтатилгандан кейин йўлакнинг юқорги қисми сувдан бўшайди. Сув бериш давомати йўлак бошида t_n сув қатлами баландлигига тенг сув сарфининг шимилишига кетадиган давоматга тенг қилиб қабул қилинган:

$$t_n = \left(\frac{m}{K_0}\right)^{\frac{1}{1-\alpha}}, \text{ соат} \quad (22)$$

Тупроқга сув шимилиш коэффиценти миқдорининг ўзгариши билан сув бериш давомати ўзгаради. Йўлак узунлиги бўйича тупроқнинг ҳисобий қатламини бир текис намлатиш учун йўлакнинг ҳар бир нуктаси учун шимилиш давомати аниқланди ва амалиётда бир текисда намланиш таъминланди. Йўлак охирига сув етгач сув бериш тўхтатилганда $\lambda_{\text{бориш}} = \lambda_n$ йўлакда сув сақланиб қолади, унинг ҳажми:

$$V_{\text{сақ}} = \mu * h * \lambda_n, \text{ м}^3 \quad (23)$$

Бунда, μ - А.Н.Костяков бўйича 0,66 - 0,8 га тенг коэффицент.

Йўлак намланишини давом эттириш призмасини яратиш билан суғориш ўтказилди, бунда ташламадан сув кетиши бартараф этилди ва суғориш

сифати яхшиланди. Йўлак охиридаги чегараловчи тупроқ уюмига сув етиб борганда, сув бериш йўлак охирида метрда ифодаланган суғориш меъёри катталигига мос бўлган сув баландлиги ҳосил бўлгунча давом эттирилди. Намланишнинг давом этиш узунлиги қуйидаги формула бўйича аниқланган:

$$l_{\text{намл}} = \frac{m_{\text{п}}}{i}, \text{ м} \quad (24)$$

Сув бериш давомати намланишнинг давом этиши призмасини тўлдириш учун зарур бўлган вақтга қадар давом этади. Суғоришнинг умумий вақти қуйидаги формула бўйича ҳисобланган:

$$t_n = t_{\text{бор}} + \frac{(m + m_{\text{бориш}}) * b}{60 * q * i}, \text{ с} \quad (25)$$

Бунда: t_n —суғоришнинг умумий вақти, с.

$t_{\text{бориш}}$ - йўлак охиригача сувнинг етиб бориш вақти, с;

m - суғориш меъёри, метрда;

$m_{\text{бориш}}$ - етиб бориш меъёрига мос бўлган катталик, метрда;

b - йўлак эни, м,

$q_{\text{бориш}}$ - йўлак охиридаги сув сарфи; л/с, м³/с,

i - йўлак узунлиги бўйича нишаблик.

Сувнинг етиб бориш узунлиги ва тезлиги тупроқнинг сув ўтказувчанлиги билан боғлиқ, сувнинг шимилиш қобиляти ошиши билан улар камаяди. Йўлакларга қуйидагича сув берилди: оқимнинг йўлак охиригача етиб боришигача ва сув йўлак охиригача етиб боргандан кейин сув сарфини ташлама миқдорида тенг нисбатда камайтирилди ва намлатишни маромига етказиш призмаси ҳосил қилишгача йўлакнинг охириги қисмини сув бостириш асосида сув бериш давом эттирилди. Суғориш майдонларда йўлакнинг барча узунликларида намланиш эпюрасининг текисланишига эришилди.

1-жадвал

Тажриба вариантлари бўйича ҳар хил энли йўлакларнинг суғориш ва мавсумий суғориш меъёрлари

Йўлаклар бўйича суғоришлар	Меҳнат унумдорлиги, га/кун	Бир текисда намланиш коэффициенти	Суғориш меъёри, м ³ /га	Мавсумий суғориш меъёри, м ³ /га	Ҳосилдорлик, ц/га
Назорат (в=7,2)	4,1-4,3	0,56-0,59	900	3600	41,1
Суғориш(в=5,4)	4,0-4,4	0,58-0,65	825	3300	42,25
Суғориш(в=3,6)	3,9-4,2	0,86-0,90	700	2800	44,21
Суғориш (в=1.8)	2,6-3,2	0,80-0,85	775	3100	42,0

Ўтказилган тажриба вариантларидаги йўлаклар суғоришда энг самарали вариант йўлак эни 3,6 метр бўлганда бўлди. Унда: 0,0002 нишабликда 5 л/сек сув сарфида йўлак узунлиги 200 м ва бир текисда намланиш 0,90 га тенг бўлди ва натижада вегетация даврида назоратга нисбатан 700-800 м³/га сув

тежалди ва 2-3 ц/га бўғдой ҳосилдорлиги ошди. Беда экинидан 110 ц/га қўшимча кўк масса ҳосилдорлик олинган.

Диссертациянинг «Сув танқислиги шароитида хўжаликлараро каналларнинг ишлашини такомиллаштириш ва сувни ҳисоблашни тезкор усулларни яратиш» деб номланган тўртинчи бобида сувдан тежамкорона фойдаланишда ирригация тизимларининг ишлашини яхшилаш, фойдали иш коэффициентини ошириш бўйича илмий тадқиқот ишлари 3 хил табиий ва техник ҳолатларга эга бўлган Сирдарё вилояти Жанубий мирзачўл магистрал канали, Шўрўзак ва Тошкент вилоятидаги РК-7 каналларида олиб борилган. Қуйида РК-7 хўжаликлараро каналида олиб борилган илмий тадқиқот ишлари натижалари келтирилган.

